

## ҚУШҚЎНМАС (SILYBUM MARIANUM) ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

**Рахмонова Мадинахон Кимсанбоевна**

Доцент

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

**Хамдамов Жасурбек Кимсанбоевич**

магистр ТОШДАУ

**Анотация:** Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670 қарорида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган.

**Калит сўзлар:** Қушқўнмас *Silybum Marianum* фармоқлогия биокимёвий

**Annotation:** This article is aimed at ensuring the implementation of the priorities set by the President of the Republic of Uzbekistan dated April 10, 2020 PP-4670 “On measures for the protection, cultivation, processing and use of available resources of wild medicinal plants.

**Key words:** asparagus *Silybum Marianum*, pharmacology, biochemistry

**Кириш;** Қушқўнмас (*Silybum Marianum*) доривор ўсимлиги Фарғона водийсида турли шароитларда барча агротехник қоидалар асосида етиштирилади. Шунингдек, етиштирилган доривор ўсимлик биокимёвий таҳлил қилиниб, таркибида фармакологик таъсирга эга моддаларни фоиз миқдорлари аниқланади. Олинган натижалар асосида таъсир этувчи моддаларни

фармакологик маълумотларга таянган ҳолда дори шакллари таркиб ва технологияси яратилади.

Ҳозирги вақтда кенг миқёсдаги жигар хасталикларидида қўлланадиган дори воситалари ва уларнинг субстанциялари чет эллардан импорт қилинмоқда. Маълумотларга кўра, Қушқўнмас (*Silybum Marianum*) асосида кенг миқёсдаги жигар хасталикларидида ишлатиладиган дори воситаларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Экология ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши, кимёвий воситалар, алкоғолизм, инфекциялар ва саноат маҳсулотларининг хаддан зиёд ишлатилиши инсон организмнинг фильтри ҳисобланган жигарнинг зарарланишига сабаб бўлмоқда. Бошқа аналоглар таркибини ўрганиш натижасида биз режалаштираётган янги дори препарати кенг спектрлилиги, маҳаллий маҳсулотлардан олиниши ва бу ўз навбатида бемор организмга нотаниш маҳсулотдан кўра, яхши таъсир этиши билан афзал ҳисобланади. Касаллик профилактикаси учун ҳар бир соғлом инсон ҳам ушбу препарат истемол қилиши тавсия этилади.

**ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ:** Ўзбекистонга четдан келтириладиётган қимматбаҳо препаратлар ўрнини маҳаллий, эндемик тур ўсимликлардан олинадиган, арзон ва сифатли препаратлар билан таъминлаш ҳисобланади.

1. Фарғона водийсида табиий ёруғ, тошлоқ, шўрхоқ ва сувга танқис ерлар ниҳоятда кўплиги Қушқўнмас ўсимлигини етиштириш учун қулай шароит ҳисобланади.

2. Бошқа районлардан афзаллиги иқлимнинг қулайлиги, қаровсиз ерларнинг кўплиги ва ишчи кучининг арзонлигидадир.

3. Бундан ташқари маҳаллий препаратларнинг таъсир эффекти ҳам беморларга яхши таъсир қилади.

4. Қушқўнмас етиштиришда биз фақатгина табиий ўғитлардан фойдаланишни олдимизга мақсад қилганмиз, чунки кимёвий воситалар ўсимликдан олинадиган препаратларда йиғилиб, уни истемол қилганда жигар хужайралари тикланишига салбий таъсир этиши кузатилади. 5. Бундан ташқари,

етиштирилаётган ўсимлик кимёвий таркибини аниқлаш, таққослаш ва янги препаратни тайёрлаш учун Ўсимлик моддалар кимёси институти ва Тошкент фармацевтика институтида замонавий лабораториялар ва етук илмий потенциал мавжуд эга.

**Тадқиқот методлари:** Дала тажрибаларини ўтказиш методикаси, экспериментал тадқиқотлар ва ишлаб чиқаришда синаш бўйича ҳалқаро комиссияси тавсияномалари ва стандарт синаш усулларига асосланиб бажарилади. Лойиха иштирокчилари томонидан 10дан ортиқ скобус ва 100 дан ортиқ импак факторли журналларда мақолалар, 10 дан ортиқ патент ва ишланмалар, 10 дан ортиқ илмий-амалий лойихалар бажарилган. Қушқўнмас ўсимлиги тиканли бўлганлиги учун уни етиштириш ва йиғиб олиш учун махсус техника ишлаб чиқаришга эҳтиёж бор. Бу масалада ҳам инженер ва техника фанлари бўйича доцент мутахассислар иш олиб бормоқда. Тадқиқот муаммосининг ҳозирги урганилиш ҳолати, жаҳон илм-фанидаги илмий-тадқиқот йуналишлари ва илмий ракобатчилар Ҳозирги вақтда кенг миқёсдаги жигар хасталикларидида қўлланадиган дори воситалари ва уларнинг субстанциялари чет эллардан импорт қилинмоқда. Масалан, Россия маҳаллий дори препарати- Камадол, Болгарияда (Карсил) ва Германияда (Легалон)ва Беларусияда Силимарин ишлаб чиқарилади. Ушбу препаратлар таркиби асосан Қушқўнмас ўсимлигидан олинади. Ўзбекистон фармацевтика агентлигининг “ДРАГ –АУДИТ” дастуридан олинган Маълумотларда кўрсатилишича, сўнгги 3 йилда Ўзбекистонга 1. 130. 000 доллар миқдоридида Карсил препарати сотиб олиб келинган. Илмий ва инновацион фаолиятнинг устувор йуналиши: Замонавий усуллардан фойдаланиб турли фасл ва турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштиришга мос, бошқа регионларда етиштирилаётган доривор ўсимликларни таркибига қараганда юқори фоизда таъсир этувчи моддалар сақлаган доривор ўсимликларни етиштириш агротехникасини яратиш. Етиштирилган доривор ўсимлик таркибини биокимёвий таҳлил этган ҳолда

ундан турли хасталикларда қўлланиладиган янги дори препаратлари яратиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадкикотнинг илмий янгилиги, куйилган вазифа(лар)ни хал этиш ва режалаштирилган натижаларни олиш имкониятларини асослаш

2020 йил апрель ойида Андижон қишлоқ хўжалиги институтида очик майдонда кенг дала шароитида Қушқўнмас (*Silybum Marianum*) уруғлари экилди. Узунлиги 60-150 см бўлган бир ёки икки йиллик ўт- ўсимлик. Пояси тик, содда ёки тарвақайлаб кетган, мўрт, юмшоқ. Баъзан барг бандлари жуда катта (узунлиги 80 см гача, кенглиги 30 см), буришган. Гуллари найчали, икки жинсли, қизғиш (баъзан пушти, бинафшаранг ёки оқ) бўлиб, катта шарсимон саватчаларда жойлашган. Мевалари – тескари тухумсимон тепасида тожсимон тукли уруғ саватчада зич бўлиб

жойлашган, узунлиги 5-8 мм, кенглиги 2-4 мм; меванинг тепаси қийшиқ кесмали, асоси юмалоқ, юзаси ялтироқ, силлик, баъзан бўйлама буришган. Меваси оч жигаррангдан қора ранггача бўлади, кўпинча доғсимон, баъзида мовий рангда бўлади. Ҳеч қандай ҳиди йўқ, таъми аччиқ. Бутун ёз гуллайди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1 O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 noyabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to‘g‘risida”gi PF-5264-sonli Farmoni. (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 01.12.2017 y., 06/17/5264/0339-son)
2. Dala tajribalarini o‘tkazish uslublari (maqolalar to‘plami, SH.Nurmatov, Q.Mirzajonov, A.Avliyov va b. Tahriri ostida). - Toshkent: O‘zPITI, 2007. - 147 b.
3. Dospexov B.A. Statisticheskaya obrabotka dannykh polevogo opyta. - Zemledeliye, 1965. - №10.
- 4 Dospexov B.A. Metodika polevogo opyta. - M.: Kolos, 1979. - 415s
5. **Internet saytlar** <http://www.abcslim.ru/articles/346/artishok>

<http://kafe-5.narod.ru/artishoke.htm>